

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**PHILOLOGICAL RESEARCH:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL, ADABIYOT, TA'LIM**

**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ**

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nash etiladi

2023 / №2

Термиз – 2023

Muassis:
Termiz davlat universiteti

**PHILOLOGICAL RESEARCH:
LANGUAGE, LITERATURE,
EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL, ADABIYOT, TA'LIM**

**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА,
ОБРАЗОВАНИЕ**

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti Administratsiyasi
huzuridagi Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar agentligi
tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda
1122 raqami bilan ro'yxatga olingan.
Matnlarda foydalanilgan misol,
ko'chirma va ma'lumotlar aniqdigi
uchun mualliflar javobgardir.
Jurnaldan ko'chirib bosilganda
manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.02.2023
Qog'oz bichimi: 70x85
Bosma tabog'i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog'ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

"TerDU bosmaxonasi"da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod
ko'chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko'chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
www.philologicalresearch.uz

BOSH MUHARRIR:

Avazjon MARAXIMOV, texnika fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY'ATI:

Bekpo'lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori,
professor (bosh muharrir o'rinbosari)

Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor
(mas'ul muharrir)

O'ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)

Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)

Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)

Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)

Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)

Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O'zbekiston)

Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O'zbekiston)

Abdi Mamatov f.f.d., professor (O'zbekiston)

Suyun Karimov f.f.d., professor (O'zbekiston)

Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O'zbekiston)

Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O'zbekiston)

Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O'zbekiston)

Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O'zbekiston)

Jabbor Eshonqul, f.f.d., professor (O'zbekiston)

Normat Yo'ldoshev, f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)

Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Asqar Eshmo'minov, f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)

Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O'zbekiston)

Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)

Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)

Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)

Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)

Shoira Amonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)

Nargis Qurbonazarova, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)

Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

XOLOVA MUJASSAR ABDULHAKIMOVNA

Shevalar korpusida ot so'z turkumi morfo birliklarni teglash tamoyillari7

SHAMSUDINOVA IQBOL BAXOVADINOVNA

Kelishik-ko'makchi paradigmatik munosabati va uning
o'zbek milliy korpusida ifodalanishi.....14

BABAYEVA MAYA AMANGELDIYEVNA

Fors tilidan turkman tiliga so'zlarning o'zlashish yo'llari17

ASHUROVA ZULXUMOR SHODIYEVNA

Mustaqillik davri turkman bolalar adabiyoti lingvopoetikasi21

JO'RANAZAROVA NIGORA QURBONBOY QIZI

Frazeologiya uslubiyati masalasiga munosabat.....24

SAIDOVA SAYYORA ESHONQULOVNA

O'zbek tilida areal lingvistik tadqiqotlarga muxtasar sharh.....29

ҚУЛТЎРАЕВА САРВИНОЗ БАҲОДИР ҚИЗИ

Топонимлар тадқиқига оид айрим мулоҳазалар31

SOHIBOVA KUMUSH

Oilaviy marosimlar onomastikasi34



МУНДАРИЖА

ADABIYOTSHUNOSLIK

MAXMARAIMOVA SHOHISTA TO'XTASHEVNA YUNUSOVA MADINA BAXRIDDIN QIZI Adib Sobir Termiziy she'riyatidagi o'ziga xos jihatlar	36
СМАМУТОВА ШИРИН АЗАТБАЕВНА Ҳозирги Қорақалпоқ поэзиясидаги адабий мерослар манбалари ва тадқиқи	39
ҚОДИРОВА САОДАТ АБДУРАХИМОВНА Мақол ва матал жанрининг ёзма шеъриятдаги ўрни	43
EGAMQULOV KAMOLIDDIN SAMAD O'G'LI Janubiy O'zbekiston dostonchilik maktablarining tarixiy va tadrijiy tamoyillari	47

TA'LIM

DUSIMBETOVA NARGIZA BAXTIYAROVNA Bo'lajak jurnalistlarda axborot xavfsizligi kompetentligini rivojlantirish ijtimoiy zaruriyat sifatida	51
---	----

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2023; 2
 ISSN: 2181-1741 (Print)
 ISSN: 2181-1725

МАҚОЛ ВА МАТАЛ ЖАНРИНИНГ ЁЗМА ШЕЪРИЯТДАГИ ЎРНИ

Қодирова Саодат Абдурахимовна,

Бухоро давлат университети

Бошланғич таълим методикаси

“Мақол ва матал жанрининг ёзма шеърият бағрида учраб, маълум поэтик вазифа бажариши оддий фольклоризмнинг юзага келишига сабаб бўлади. Ёзма адабиёт деб таъкид қилишимизнинг асоси шуки, мақол ёки матал ёзма адабиёт таркибида учрасагина оддий фольклоризм саналади”¹.

Оддий фольклоризм шеърият бадииятида ўзига хос ўринга эга. Айниқса, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий, Алишер Навоий асарлари таркибида келтирилган мақолларнинг ҳар бири ўзига хос поэтик вазифа бажарганини таъкидлаш жоиз:

Бўлди бағрим сув ғамингдин “Яхшилик қил, сол су(в)ға”

Охир эй гул хирмани албатта, “ҳар эккан ўрар”.

Атоийнинг ушбу байти “ирсоли масалайн” (бир байтда икки мақол келтириш) санъатига асосланган бўлиб, биринчи байтда “Яхшилик қил сувга сол, балиқ билар, балиқ билмас холиқ билар”, иккинчи байтида эса “Ҳар ким экканини ўради” мақоли келтирилган ва ушбу мақоллар шоирнинг поэтик мақсадига мос тушган.

Лутфийнинг ирсоли масал санъати асосида яратилган куйидаги ғазалининг барча байтларида мақол ишлатилганини кўрамиз:

*Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу,
 Масалдурким: “Чароғ туби қоронғу”.*

*Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,
 Ки дерлар: “Оққан ариққа оқар су(в).”*

*Юзунгни туттим ортуқ ою кундин,
 “Кишининг кўзидир, оре, тарозу”.*

*Кўзунг қонимдин ийманмас, ажабтур, -
 Ки: “Қўрқар қайдаким қон кўрса ҳинду”.*

*Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,
 Ки айтурлар: “Тилаганни тилагу”.*

Ғазалнинг ҳар бир байтидаги иккинчи мисра

олдинги мисрадаги фикр билан боғлиқ бўлган, уни таъкидлаш, тасдиқлашга хизмат қилувчи мақол келтирилган. Бу эса ғазалнинг бадиийлигини янада оширган.

Ҳазрат Навоий фольклордан энг кўп ва самарали фойдалана олган моҳир адибдир. Бу ҳақда илк бор фикр юритган олимлардан бири Мақсуд Шайхзода “бу соҳада Навоий шу қадар усталик кўрсатганки, бирмунча мақолларнинг халқдан Навоийга ё Навоийдан халққа ўтганини аниқлаш ҳозирча қийин”, – дейди². Атоқли навоийшунос олим Н.Маллаев “Алишер Навоий халқ мақоллари, маталлари ва ибораларига катта эътибор берди, уларни айнан ёки шеърнинг поэтик талаби билан қайта ишлаб ўз асарларида қўллади ва шуларга монанд янги ҳикматли сўз ҳамда иборалар ижод этди. Буларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш Навоий асарларининг ғоявий мазмунини ҳам, бадиий формасини ҳам ёритишда катта аҳамиятга эга”³, – деганида ҳақ эди. Шоирнинг биргина ғазалиёти ҳам оддий фольклоризмга бой.

Етти жон оғзимгаким, чиқмас уйидинким ул ҳур,

*Чиқмаган жондин умид – ушбу масалдур машҳур*⁴.

Эй, кўнгул, ишқ ичра йўқ шоҳ-у гадоға имти-ёз:

*Ўт аро тенгдур қуруқ ё ҳўл ёғочнинг хирқатти*⁵.

Кўнгулни туз, тилисанг фойиз ўлса туз маъни,

*Нединки эери кўргузур кўзгу*⁶.

А.Навоийнинг ушбу байтларида “Чиқмаган жондан умид”, “Ўт кетса ҳул-у қуруқ тенг ёнади”, “Кўзгу борини кўрсатади” мақоллари қўлланган бўлиб, ғазалларнинг бадиийлигини таъминлаган.

² Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – Б. 24.

³ Шу манба. – Б.34.

⁴ Шу манба. – Б.34.

⁵ Шу манба. – Б.34.

⁶ Шу манба. – Б.34.

¹ Шарипова Лайло. Шеърият ва фольклор (XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти мисолида). Монография. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 204 б.

“Ўт” радифли ғазалида:

Май батининг кўр нишот афзолигин ҳузн аҳлиға

Ким, куяр ўлу қуруғ чун найситонға тушти ўт¹.

Бу байтда “Қамишзорға ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади” мақоли қўлланган. Шоир ҳажр шомиди ғам сипоҳийлари лирик қаҳрамон кўнглига олов ёққанини айтиб, шеър сюжетида тугун ҳосил қилади. Ечимда шоир “оҳи оташбори” ўт бўлиб булутга урганини, кўк тутунга ўхшаб қолганини таъкидлайди. Ҳўлу қуруқ баробар ёнсагина, кўкни тутун қоплайди. Ғулув, ташбеҳ каби санъатларнинг юзага келиши учун ҳам оддий фольклоризм аҳамият касб этган, демак, ғазал бадииятини оширган. Аини дамда, оддий фольклоризм мақтаъдан олдинги байт таркибида юзага келиб, ечимга пойдевор вазифасини ўтаган. Худди шу мақол “Тушти ўт” радифли ғазалида айнан шу шаклда келтирилади:

Ўқларинг кўнглимға тушқач, куйди ҳам кўз, ҳам бадан

Ким, куяр ўлу қуруғ чун найситонға тушти ўт².

Икки ғазалда ҳам маъшуқа сабаб ошиқ ишқ оловида ёнгани айтилади, аммо бир хил мақолнинг қўлланиш мақсади турлича. Кейинги ғазалда кўк тутунга айлангани эмас, уфқ, бутун осмонга ўт тушгани тасвир этилади. Оддий фольклоризм эса ўзи мансуб байтнинг изоҳлагани. Ёр ўқлари кўнглига тушганида кўз ҳам, бадан ҳам, демакки, ҳўлу қуруқ баробар ёнди. Таносиб санъати айнан оддий фольклоризм туфайли юзага келган. Маълумки, қамишзор сув ичида бўлади. Ўт кетганида кўзу (бу ўринда кўз – сув, киприklar – қамишзор, дейиш ҳам мумкин) бадан ёнгани найситонга ўт кетгани каби экани кўрсатилган. Айнан бир мақол вазн, қофия ва радиф сабаб икки ғазалда бир хил шаклда такрор келтирилган. Аммо оддий фольклоризм ғазал композициясида бир хил вазифани бажармагани, шоир мақсадининг икки хил жиҳатини ойдинлаштиргани кўриниб турибди. Кўринадики, оддий фольклоризмнинг шеъриятда, айниқса, аруз вазнидаги шеъриятда келтирилиши моҳирлик талаб қилади. Бу борада ҳазратнинг маҳоратлари ҳайратангиздир.

Ишқинг ўтинки, ёшурдим, эл аро ёйди рақиб,
Ким иситмани ниҳон тутса қилур марг аён³.

¹ Алишер Навоий. Топмадим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б. 96.

² Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 89.

³ Алишер Навоий. МАТ. Олтинчи том. Ғавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 370.

Навоий “Қасалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади” халқ мақолини ўзлаштирар экан, ижодий давом эттирган. Натижада, “Қасалини яширсанг, иситма, иситмани яширсанг, ўлим ошкор қилади” тарзидаги ифода ҳосил бўлган. Иситманинг меъёрдан жуда ошиб кетиши ўлимга олиб келиши мумкинлиги шоирга халқ мақолини янгилаш, кучайтирилган, тўлдирилган шаклда ифодалаш имконини берган. Шоир “Ғавойид ул-кибар” девонидаги “Ишқ айнидин кўзумни қилмади ёруқ жаҳон” деб бошланувчи ғазалида “Ит ҳурар – карвон ўтар” мақолини қўллайди:

*Борибон аҳбобу мен ғафлат асири бўлмағим,
Уйладурким, ит уюб қолдию кўчти корвон⁴.*

Алишер Навоий лирик қаҳрамонга итларнинг ҳуришига эътибор қилиб йўлдан қолса, кексалликда оху фиғон чекишини уқтиради. Бу ерда гап итнинг ҳуриши ҳақида эмас, унинг ухлаб қолгани ҳақида бормоқда.

Муҳаммадшариф Гулханийнинг адабий-тарихий хизматлари беқиёс. У ўзбек халқ мақолларининг ўзи яшаган даврдаги ҳолатини аниқ қайд қилади. Бу қайдлар етук фольклоршунос олимнинг кузатув ва қайдларидан фарқ қилмайди. Муҳими, адиб ҳар бир мақолнинг “яшаш жойи” билан бирга кўрсатади: унинг қўлланиш манзили, вақти, мақсади ва вазифаларини ҳам кўп ҳолларда кўрсатиб ўтади. Агар Гулханийнинг Қўқон адабий муҳитида камол топгани, XVIII асрнинг сўнгги чораги ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшагани тахмин қилинса, бошқа маълумотларнинг ниҳоятда озлигини эътроф этишга тўғри келади.

Шунга қарамай, у ўзбек адабиёти тарихида ўзидан сезиларли из – жиддий адабий мерос қолдирди. Мана шу мероснинг ўзи унинг адабиёт тарихи учун беназир ёдгорлик қолдирганини, бу ёдгорликнинг ўзбек насри тарихи учун, умумўзбек адабиётининг тарихий равнақи учун ҳам муҳим ва беназир манба эканини тасдиқлаб туради.

Гулханий ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган, яъни у ҳар икки тилни ҳам мукамал даражада билган. Унинг мазкур билими мақолларни тўплаш ва улардан фойдаланиш жараёнида ҳам ўзини кўрсатиб туради.

Гулханий қўллаган мақолларнинг маърифий, адабий, эстетик аҳамияти жуда катта. Имиё адбиётларда бу борада анча жиддий ва салмоқли

⁴ Алишер Навоий. МАТ. Олтинчи том. Ғавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 334.

гаплар айтилган¹. Алоҳида таъкидлаш жоизки, уларнинг илмий аҳамияти ҳам жуда катта. Хусусан, фолькоршунослик учун уларнинг ўз давридаги ҳолати ва қўлланиш соҳаси, айрим мақолларнинг версия ва вариантлари ҳақида ҳам бой тасаввурлар уйғота олади. Айни мана шу жиҳатлари уларнинг матншунослик ва манбашунослик учун ҳам катта аҳамият касб этишига олиб келган. Мулоҳазаларимизни айрим мисоллар ёрдамида изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Китобнинг бошланишидаёқ ўзига хос мақолларга дуч келамиз:

1. “Ошукғон қиз эрга борса, ёрчимас ва тешик мунчоқ ерда қолмас”².

2. “Пўлат пичоқ қинсиз қолмас”³.

3. “Бош омон бўлса, бўрк топилур”⁴.

4. “Эрмон ёғочининг эгилгани – сингани, Эр йигитнинг уялгани – ўлгани”⁵.

Ушбу мақоллар Гулханий яшаган замонда айни мана шу шаклларда қўлланган. Уларни ҳозирги мақоллар билан қиёслайдиган бўлсак, кўплаб янги хулосаларга эга бўламиз. Тасаввурнинг аниқроқ бўлиши учун уларни жадвал тариқасида келтирамиз:

Гулханийда:	Ҳозирги ўзбек тилида:
<i>Ошукғон қиз эрга борса, ёрчимас ва тешик мунчоқ ерда қолмас</i> ⁶ .	<i>Шошган қиз эрга ёлчимас. Тешикмунчоқ ерда қолмас.</i>
<i>Пўлат пичоқ қинсиз қолмас</i> ⁷ .	<i>Пичоқ қинсиз қолмайди.</i>
<i>Бош омон бўлса, бўрк топилур</i> ⁸ .	<i>Бош омон бўлса, дўппи топилади.</i>
<i>Кўр тутганини қўймас ва кар эшитганини қўймас</i> ⁹ .	<i>Кўр тутганини қўймас ва кар эшитганини.</i>
<i>Эрмон ёғочининг эгилгани – сингани, Эр йигитнинг уялгани – ўлгани</i> ¹⁰ .	
<i>Дала тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан, қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг тошидан</i> ¹¹ .	<i>Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам.</i>
<i>Тенг-тенги бирла, тезак қопи бирла</i> ¹² .	<i>Тенг-тенги билан, тезак қопи билан.</i>
<i>Қўчқор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур, оға бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур</i> ¹³ .	<i>Қўчқор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур, оға бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур.</i>
<i>Эшагининг феъли эгасига маълум</i> ¹⁴ .	<i>Итининг феъли эгасига маълум.</i>
<i>Катта кема қайдин юрса, кичик кема андин юрур</i> ¹⁵ .	<i>Катта арава қайдан юрса, кичик арава шундан юради.</i>

¹ Исҳоқов Ф. Гулханий. – Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. IV том. XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярми. – Тошкент, Фан, 1978. – 96-б.; Гулханий “Зарбулмасал”нинг изоҳли луғати / Тузувчи Фатҳиддин Исҳоқов. Масъул муҳаррир А.Рустамов. – Тошкент, ТДШУ, 1988.

² Gulxaniy. Zarbulmasal. Nashrga tayyorlovchi: H.Yoqubov. – Toshkent, “Ma’naviyat”, 2009. – 10-б.

³ Шу манба. – Б. 10.

⁴ Шу манба. – Б. 10.

⁵ Шу манба. – Б. 10.

⁶ Шу манба. – Б. 10.

⁷ Шу манба. – Б. 10.

⁸ Шу манба. – Б. 10.

⁹ Шу манба. – Б. 10.

¹⁰ Шу манба. – Б. 10.

¹¹ Шу манба. – Б. 10.

¹² Шу манба. – Б. 11.

¹³ Шу манба. – Б. 12.

¹⁴ Шу манба. – Б. 41.

¹⁵ Шу манба. – Б. 46.

Эътибор берилса, келтирилган мақоллар билан уларнинг ҳозирги кўринишлари ўртасида яқинликлар ниҳоятда кўп. Шунга қарамай, уларнинг орасида айрим тафовутлар ҳам кўзга ташланади. Буларни шундай умумлаштириш мумкин:

1. Айрим мақоллар ҳеч қандай ўзгаришсиз қўлланади.

2. Мақолларнинг бир қисмида фонетик ўзгаришларгина мавжуд, холос (“Тенг-тенги бирла, тезак қопи бирла”). Уларнинг шакл ва мазмунидаги бир хиллик деярли сақланган.

3. Яна бир гуруҳ мақолларда тегишли тафовутлар мавжуд. Уларни шундай гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ кўринади:

а) айрим мақолларда қўлланган сўзлар алмаштирилган (Эшагининг феъли эгасига маълум). Бунда кўпроқ сўзнинг семантик-услубий хусусиятлари эътиборга олинган;

б) мақолларда ихчамлашиш ҳодисаси мавжуд (“Кўр тутганини қўймас ва кар эшитганини **қўймас**”).

в) айрим мақоллар икки компонентли кўриниш-

дан бир компонентли шаклга келган (“Ошуқон қиз эрга борса, ёрчимас ва тешик мунчоқ ерда қолмас”). Таъкидлаш лозимки, унда кўпинча икки компонентли мақолнинг алоҳида-алоҳида қўллангани иккита мақолга ажралиб кетиш жараёни кузатилади;

г) айрим ҳолларда қўшкомпонентли мақоллардан фақат битасигина (Кўр тутганини қўймас) кейинчалик фаолликни сақлагани ҳолда бошқа бирининг (Кар – эшитганини) умуман, пассивлашуви ҳам кузатилади.

Келтирилган мисоллар ва улар ҳақидаги мулоҳазалар Гулханийнинг “Зарбулмасал” аса-рида қўлланган мақолларнинг тадқиқ этилиши катта илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятга молик эканини кўрсатади. Уларни ҳозирги ўзбек тилида сақланиб қолган мавжуд мақоллар билан қиёсий ўрганиш эса бу борада янада жиддийроқ хулосаларга омил бўлшини тасдиқлайди. Демак, фольклоршунос олимларимизнинг бу борадаги тадқиқотлари кенгроқ қамров касб этиши ва мунтазам давом этиши мақсадга мувофиқ кўринади.

RESUME. Proverbs are not only a summary of people’s understanding, life experiences, and opinions, but also a figurative expression of truth, a verdict on this or that issue. The volume of the proverb is compact, short, well-crafted, and a sample of figurative speech expressing a broad meaning.

РЕЗЮМЕ. Пословицы являются не только обобщением людского понимания, жизненного опыта и мнений, но и образным выражением истины, вердиктом по тому или иному вопросу. По объему пословица компактна, кратка, хорошо оформлена и является образцом образной речи, выражающей широкий смысл.